ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНГАН 6 НАФАР БЕМОР СОҒАЙДИ!

Яхши хушхабар. Бугун 13 май куни Фарғона вилоятида 6 нафар коронавирус инфекциясига чалинган бемор дарддан халос бўлди. Бугун улар саломатликларини мустаҳкамлаш учун реабилитацияга кузатилди.

Тузалиб чиққанларнинг 3 нафари Туркиядан, 1 нафари Россиядан келган ва карантинга олинган. Касаллик аниқлангач шифохонага ётқизилган.Қолган 2 нафари коронавирусга чалинганлар билан мулоқот қилиб, касалликни юқтириб олишган.

2 нафари эркак, 4 нафари аёллардир. Ҳудудлар кесимида оладиган бўлсак, 3 нафари Фарғона вилоятидан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Наманган вилоятларидан 1 нафардан.

Вилоятда шу пайтга қадар 156 нафар бемор соғайиб, коронавирусга чалинган 1 нафар бемор қолмоқда. Яъни, водий вилоятлари ичида Фарғона коронавирусдан ҳоли ҳудуд бўлишга жуда яқин турибди.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб коронавирус инфекциясидан бутунлай соғайганлар сони 2046 нафарни ташкил этмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизматиFacebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-05-13 11:43:11